



## ЎЗБЕК ЭКРАН САНЪАТИДА МИЛЛИЙ МУМТОЗ АСАРЛАР ЭКРАНИЗАЦИЯСИ

Севара Бекмурадова

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7471534>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 21<sup>th</sup> December 2022

Online: 22<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Бадий асар, кино, экран, телевидение, тасвир, характер, экранизация, жанр, режиссёр, ифода воситалари, адабиёт.

### ABSTRACT

Кино адабиётнинг барча тасвир, ифода воситаларидан ҳикоя қилиш санъатини, инсон характери очиб беришни, унинг жанр бойлигини ўзига мерос қилиб олган. Барча турдаги кинофильмларда адабиёт маълум даражада тадбиқ этилган.

Ўзбек киносининг ривожланиш жараёнида ҳам бадий асарларни экранлаштириш тажрибасидан кенг фойдаланилган. Миллий руҳдаги илк ўзбек бадий фильмларини яратишда, киносценарийлар кам бўлганлиги учун дастлаб бадий асарларга кўпроқ мурожаат этилди. Бунда кино усталари томонидан танланган адабий асарлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, экранлаштирилган кино асарлар асл манбага яқинлиги билан ўзига хос намуна бўлиб майдонга келди.

Ўзбек кинематографиясида биринчилардан бўлиб экранга чиққан фильмлар - "Насриддин Бухорода" (1943 йил), "Насриддиннинг саргузаштлари" (1946 йил), "Тоҳир ва Зухра" (1945 йил) фильмлари Ўрта Осиё халқларининг халқ оғзаки ижодига, фольклор наъмуналарига мурожаат қилиш орқали яратилди.

"Бахтга қарши, 1940-йиллар ўзбек кинематографияси учун оғир синовлар

даври бўлди. Мамлакатимизда кўнгилочар фильмлар ишлаб чиқариш кескин қисқартирилди. Киностудиялар ёпилиб, режиссёрлар ишсиз қолди. "Бу умуман олганда, ҳокимиятнинг киносанъат устидан очиқчасига тазйиқи бўлиб, 50-йилларда яна жанрга қайта рухсат берилганда бу иллат фильмларда ўз аксини топмай қолмади. Орттирилган бутун тажрибаси ҳамда киносанъат олдидаги хизматлари ер билан яксон қилинган ўзбек кинематографияси муқобил манбаларга, жумладан, адабий, мусиқий ва сахна санъатларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Оқибатда, 50-йилларда ўзбек киноси янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Кинематография усталари узоқ муддатли турғунлик давридан сўнг қизиқарли мавзулар топиш мақсадида чет элларда, шу билан бирга, ўзимизда



яратилган адабий асарларга мурожаат қилишди."<sup>1</sup>

Натижада, ўтган асрларда яратилган Латиф Файзиёвнинг "Бой ила хизматчи",<sup>2</sup> "Қутлуғ қон",<sup>3</sup> Комил Ёрматовнинг "Алишер Навоий",<sup>4</sup> Х.Ахмарнинг "Ганг дарёсининг қизи",<sup>5</sup> Йўлдош Аъзамовнинг "Ўткан кунлар",<sup>6</sup> Шухрат Аббасовнинг "Тошкент - нон шаҳри",<sup>7</sup> Дамир Салимовнинг "Шум бола",<sup>8</sup> каби фильмлари кино мухлислари томонидан ҳам, адабиёт ихлосмандлари томонидан ҳам бирдек ижобий қарши олинди.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи асосида шу ном билан экран юзини кўрган фильм юқоридаги киноасар каби ўзбек киносанъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Иқтидорли ўзбек романнависининг асарлари жами тўрт марта сахналаштирилди: икки марта - "Ўткан кунлар"<sup>9</sup> ва икки марта - "Меҳробдан чаён"<sup>10</sup>. Бироқ улардан фақат биринчи марта ва муваффақиятли ишланганларигина узоқ вақт давомида омма эътиборида бўлиб келмоқда.

1969 йил сценарист Собир Муҳаммедов инценировкаси асосида режиссёр

Йўлдош Аъзамов бир неча йил муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни акс эттиришдек улуғ ишга қўл урди. Бу икки санъаткор биргаликда Абдулла Қодирий яратган роман ва унда акс эттирилган руҳни сақлаб қолган ҳолда шаҳар қиёфаси, либослар танлаш масаласи, қолаверса, актёрлар танлаб уларга мос ҳаракатлар, сўзлар топиш борасида мукамал иш олиб борганлар. "Ўтган кунлар" романи ўзбек халқининг сеvimли асари. Шунинг учун ҳам кино мухлисларининг фильм ижодкорларига нисбатан талаблари юқори бўлиши табиий эди. Катта масъулиятни бўйнига олган Собир Муҳаммедов ва Йўлдош Аъзамовлар бошчилигидаги бутун ижодий гуруҳ ҳар бир детални синчиклабтанлашга уринганлар. Фильм ижодкорлари шахсий ҳаёт билан ижтимоий шароит ҳамоҳанг бўлиши керак деган ғояни олиб чиқишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган эди ва бунинг уддасидан муваффақият билан чиқа олдилар.

Кинорежиссёр Дамир Салимовнинг кўпчиликка таниш бўлган Ғафур Ғулом қиссаси асосида суратга олинган "Шум бола" фильмини олайлик. Ушбу фильм ўзбек киноси тарихида муҳим воқеа бўлди. Сценарий муаллифлари Шухрат Аббасов ва Александр Наумовлар ёзувчининг бош қаҳрамон — Шум бола образини гавдалантиришда фойдаланган халқ оғзаки ижоди намуналари, ўткир ҳажвиялар, латифаларга эҳтиёткорлик билан ёндошдилар. Уларнинг қиссани сценарийга кўчиришда қўллаган услублари асарни яна ҳам бойитган, мазмунни чуқурлаштирган, образларни тўлақонли, воқеаларни кўримли ва завқли қилган. Сценарийда ва сўнгра

<sup>1</sup>Ғаниева Э. Экранга чиққан асарлар. – Тошкент:

"Шарқ юлдузи", 2015 йил. №1. 2-3-б.

<sup>2</sup>Ҳамзанинг асари асосида 1953 йил.

<sup>3</sup>Ойбекнинг романи асосида 1956 йил.

<sup>4</sup>Иззат Султон ва Уйғуннинг асари асосида 1947 йил.

<sup>5</sup>Робендранат Тагорнинг "Ҳалокат" романи асосида 1961 йил.

<sup>6</sup>Абдулла Қодирий романи асосида 1969 йил.

<sup>7</sup>Александр Неверов қиссаси асосида 1967 йил.

<sup>8</sup>Ғафур Ғуломнинг қиссаси асосида.

<sup>9</sup>Йўлдош Аъзамов 1969 йилда, Мелис Абзалов 1999 йилда сахналаштирган.

<sup>10</sup>Йўлдош Аъзамов 1973 йилда сахналаштирган "Зулматни тарк этиб" фильми ва Маҳкам Муҳаммедов сахналаштирган "Меҳробдан чаён" 1997 йилда телесериали назарда тутиляпти.



фильмда худди қиссадаги каби кулги ва фожеа, соддалик ва риёкорлик, хурсандчилик ва шафқатсизлик бири-бири билан чамбарчас боғланган ва шу хислат нафақат бош қахрамон ҳамда уни ўраб турган муҳитни, балки воқеа содир бўлаётган даврнинг ҳам ўзига хос жиҳатларини очиб беришга хизмат қилган.

80-йилларда суратга олинган фильмлар орасида Мелис Абзаловнинг "Келинлар қўзғалони"<sup>11</sup> ва Исамат Эргашевнинг "Темир хотин"<sup>12</sup> фильмлари катта муваффақият қозонди.

"80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг боши - ўтиш даврида фильмларимизда тушкунлик, руҳий эзгинлик, тез ўзгараётган дунёда ўз ўрнини топишга бўлган ҳаракат кайфияти устун бўлди.

Кинематографистларнинг янги авлоди - Юсуф Розиков, Зулфиқор Мусоқов, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов, Ҳилол Насимовлар синалган адабий манбаларга мурожаат қилишди. Ғофур Ғулом қиссаси асосида Ҳилол Насимов томонидан яратилган "Ёдгор" (2003) фильми ҳамда Чўлпон қиссаси асосида Аюб Шаҳобиддинов ва Ёлқин Тўйчиевлар томонидан суратга олинган "Қор қўйнида лола" (2003) фильмида ўтган аср бошларидаги воқеалар ёритилди".<sup>13</sup>

Ўзбек киносининг охириги ўн-ўн беш йиллик даврида ҳам кино ижодкорлар томонидан кўплаб асарларни экранлаштиришга қўл урилди. Улар қай даражада ўзини оқлай олганлигидан қаътий назар, энг муҳими ушбу

тажрибаларни амалиётда қўллашнинг давом этаётганлигидир.

Ўзбек кинематографиясида бадиий асарлар экранлаштирилаётган бир пайтда, зангори экран ижодкорлари ҳам ушбу тажрибаларни қўллай бошлашди. Телевидение ва адабиёт азалдан ажралмасдир. Буни "кичик экран"нинг катта имкониятлари тўла очилган бир пайтда алоҳида таъкидлаш мумкин.

Телевидение вужудга келиб, у тараққий этгани сари у орқали намойиш этиладиган асарларнинг турлари ва жанрлари ҳам кенгайиб борди. Шу боис бу санъат турида драматургиянинг ҳам бир йўналиши пайдо бўлди. Телевидение орқали эфирга узатиладиган маҳсулотларнинг сценарийси қандай кўрсатув тайёрланиши, унинг тури ва жанридан келиб чиққан ҳолда ёзилган. Ҳар бир турнинг ва жанрнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар бири-биридан фарқ қилади. Ҳар қандай кўрсатув ёки теледастур учун ёзилган сценарий ана шу хусусиятларга аҳамият берилган ҳолда ёзилиши лозим. Шу сабабли ушбу соҳа ривожидан давомида "теледраматургия" атамаси вужудга келди.

Телевидениеда бадиий асарларни экранлаштириш тажрибаси юзага келиши билан, теледраматургия ҳам алоҳида йўналиш сифатида ўз-ўзидан ривожлана бошлади.

"Теледраматургия - телевизион асарнинг биринчи асоси бўлиб, адабиёт ва санъатнинг алоҳида мустақил туридир. Теледраматургиянинг композицион қурилиши, бир томондан, драматургия ва кино қонун-қоидаларига, иккинчи томондан,

<sup>11</sup>Саид Аҳмаднинг пьесаси асосида 1984 йил.

<sup>12</sup>Шароф Бошбековнинг пьесаси асосида 1990 йил.

<sup>13</sup>Ғаниева Э. Экранга чиққан асарлар. – Тошкент: "Шарқ юлдузи", 2015. №1. 6-б.



телевидение спецификасига  
бўйсунди".<sup>14</sup>

Ўзбек теледраматургиясининг асосчиларидан бири Убай Бурҳон ҳисобланса, Маҳкам Муҳаммедов, Мақсуд Юнусов, Ҳайбат Алиев, Мели Маҳкамов сингари жонкуяр режиссёрлар ўзбек бадий телевидениесининг бунёдкорлари ҳисобланишади. Ушбу ижодкорлар телевидениега янги ҳаёт олиб киришди. Уларнинг ташаббуслари ва самарали меҳнатлари ўлароқ ўзбек телетомошабинлари телеспектакль, видеофильм, телесериал сингари жанрлар орқали ўзбек бадий адабиёти билан янада яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Дастлаб, телевидениенинг имкониятлари орқали театр сахнасидаги асарлар тўғридан-тўғри томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган бўлса, кейинчалик ушбу асарлар театр сахнасидан телевидение павильёнига кўчди. Натижада телевидениенинг чексиз қамрови ўлароқ, ўзбек адабиётининг кенг ташвиқотига йўл очилди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ойбекнинг "Қутлуғ қон", "Навоий" романлари, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", "Диёнат", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб", Ўткир Ҳошимовнинг "Баҳор қайтмайди", Т.Пўлатнинг "Ичкуёв" асарлари асосида тайёрланган видеофильмлар миллионлаб томошабинлар қалбидан мангу жой олди.

Соҳа мутахассисларининг бадий асарларни экранлаштириш жараёнидаги илк фаолиятлари телеспектакль жанридаги экран

маҳсулотларини яратишдан бошланди. 70-йилларнинг бошида Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи асосида режиссёр Мақсуд Юнусов 4 қисмли видеоспектакль суратга олди. Кейин эса бу тажриба "Алишер Навоий", "Мирзо Улуғбек", "Алғул ёҳуд Мирзо Улуғбек", "Хоразм шоҳ" сингари теле ва видеоспектаклларда давом эттирилди. Ижодкорларнинг телеспектакль жанридаги асарларни суратга олиш тажрибаси, бадий асарнинг экрандаги тасвирий ечимини топишга бўлган интилиш ва изланишлар, янги техник воситаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши янги жанр – видеофильмнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилди.

"Замонавий ўзбек видеофильмлари (телесериал) яратилиши тенденцияси айнан мана шу 1970-80-йилларда кўзга ташланди – "Информацион-публицистик" йўналиш жанрларига хос, айниқса "Бадий-эстетик" йўналишдаги рукнли дастур ва кўпқисмли бадий асарлар (спектакл ва видеофильмлар) телевидение спецификасиучун мос эди. Бу йўналишда "Қисмат" (1967), "Улуғбек хазинаси" (1974), "Диёнат" (1978), "Қутлуғ қон" (1977), "Баҳор қайтмайди" (1978), "Гирдоб" (1979), "Қўшчинор чироқлари" (1983), "Навоий" (1982) каби теле ва видеоспектаклларҳамда "Бобур" (1990) видеофильмининг яратилиши аҳамияти келажакда телесериал жанрининг йўлга қўйилишида юксак бўлди."<sup>15</sup>

Ҳозирда кино санъати адабий асарни намойиш этиш йўлидан уни ҳикоя қилишга, ўз тасвир воситалари орқали

<sup>14</sup>Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2010. 48-б.

<sup>15</sup>Расулов С. Кино ва ТВда бадий безак. Учинчи китоб. Экранлаштириш амалиёти. – Тошкент; "НАВРЎЗ", 2017. 175-б.



сюжетнинг ўзига хос томонларинигина эмас, унинг услубини ҳам беришга ўтган. Бу энг аввало кинодраматург зиммасига қийин вазифа юклайди. Чунки асар бадиий савиясидан қолишмайдиган сценарий яратиш энди ёзувчи эмас, кинодраматург маҳоратига боғлиқ бўлади. Асарни экранга кўчиришга жазм қилган сценарий муаллифи ва режиссёр китобхоннинг сезгир нигоҳи остида бўладилар, чунки улар фильмни асл манбаи билан қиёслайдилар.

Аммо бугунги замонавий ўзбек киноси бадиий адабиётдан бирмунча узоқлашди. Адабий асарларни экранлаштириш анчагина мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлганлиги учунми, ёки кино ижодкорлари фильм қилишга арзигулик адабий манба топа олишмаяптими, хуллас, бугун экранлаштиришнинг ёрқин намуналари кўринмаяпти. Ваҳоланки, нафақат бадиий фильм балки кўп қисмли сериаллар қилишга арзигулик адабий асарлар ижодкорларни кутиб ётибди. Фильмлардаги бадиий савиянинг суствлиги, сюжетларнинг ноодатий ва ҳаётийликдан йироқлиги, характер яратишдаги муаммоларнинг барчаси адабий асос йўқлигига бориб тақалади. Юқорида таъкидланганидек, маълум бир адабий асар асосида яратилган фильмлар образли ифодага бой, бадиийлик кучли, ундаги характерлар бутун ва сохталикдан йироқ, сюжетлар ҳаётий бўлади. Бу тажриба йиллар давомида кино оламида исботлаб бўлинган ҳақиқатдир.

Хулоса ўрнида, буюк кинорежиссёр Андрей Тарковскийнинг қуйидаги фикларини келтириб ўтиш жоиз: – “Мен одамлар буюк асарлар асосида

ишланган фильмларни кўриб, китоблардан йироқлашиб бораётганига афсусланиши ва яна чексиз ҳаяжон-у тараддуд ила мутолаага қайтишларини орзу қиламан”.<sup>16</sup>

<sup>16</sup> Тарковский А. Соғлом тафаккурга ишонамиз. – Тошкент: “Жаҳон адабиёти”, 2017. №4. 188-194-б.



**References:**

1. Ганиева Э. Экрanga чиққан асарлар. – Тошкент: “Шарқ юлдузи”, 2015 йил. №1. 2-3-б.
2. Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 48-б.
3. Расулов С. Кино ва ТВда бадий безак. Учинчи китоб. Экрانشтириш амалиёти. – Тошкент: “НАВРЎЗ”, 2017. 175-б.
4. Тарковский А. Соғлом тафаккурга ишонамиз. – Тошкент: “Жаҳон адабиёти”, 2017. №4. 188-194-б.